

**ОПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИДАКБАРОВ ҲУСНИДДИН АБДИСАЛОМ ЎҒЛИ**

**АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА БЎЛАЖАК  
МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Саидакбаров Хусниддин Абдисалом ўғли**

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни  
касбий компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштириш... 3

**Саидакбаров Хусниддин Абдисаломович**

Совершенствование методики формирования профессиональной  
компетентности будущих специалистов на основе информационной  
безопасности ..... 25

**Saidakbarov Husniddin Abdisalomovich**

Improving the methodology of formation of professional competence of future  
specialists on the basis of information security ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИДАКБАРОВ ҲУСНИДДИН АБДИСАЛОМ ЎҒЛИ**

**АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА БЎЛАЖАК  
МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Педагогика фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped 2042 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iipro.uz](http://www.iipro.uz)) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шадиев Ризамат Давранович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муслимов Нарзулло Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор  
**Бекназарова Саида Сафибуллаевна** техника  
фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37, e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Э.Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи кенгаш  
раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи кенгаш  
котиби, п.ф.н., профессор

**Қ.Т.Олимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобал ахборотлаштириш ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, саноат ва бошқа соҳаларни қамраб олмақда, натижада ахборот хавфсизлиги умумий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида сиёсатнинг муҳим бўғинига айланади. Ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларнинг кенгайиши билан бир қаторда, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган янги ижтимоий муносабатлар – ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Бунда, олий таълим тизимида кадрларини тайёрлаш амалиётига ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш технологияларини жорий этилиши муҳим саналади. Жумладан, мутахассисларда ахборотни ҳимоя қилиш бўйича касбий компетентликни шакллантиришда илғор тажрибалардан (Thomas More University of Applied Sciences – Бельгия, Linnaeus University – Швеция, School of Information Risk Management – Англия) комплекс фойдаланиш лозим.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра бўлажак иқтисодчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш ва касбий компетентлигини оширишга қаратилган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга оширишнинг илмий асосланган тизимини яратиш долзарблигича қолмоқда. Бўлажак иқтисодчи мутахассисларни касбий компетентлиги даражаси иқтисодий билимларни, ахборот хавфсизлигига оид билимларни (касбий муҳим ахборотларни сақлаш, саралаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, корхонанинг ахборот активлари, тижорат, банк ёки давлат сирини сақлаш) ҳамда АКТ (ахборот коммуникация технологиялари)ни қай даражада ўзлаштирганлиги ва амалиётда қўллай олиши билан баҳоланади. Шу боис, бўлажак иқтисодчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш долазарб вазифалардан саналади.

Мамлакатимизда олий таълим тизимида ўтказилаётган туб ислохотлар натижасида бўлажак иқтисодчиларни тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ва ахборот-методик имкониятлари кенгайтирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифаси белгиланган. Шу нуқтаи назардан иқтисодиёт ва бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан тайёрланаётган иқтисодчи кадрларнинг касбий компетентлигига боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодчининг ахборот тайёргарлиги АКТ ва ихтисослаштирилган ахборот тизимларини эгаллашни ўз ичига олади. Бироқ, электрон тижоратнинг замонавий ривожланиши,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

интернетда банк ва бошқа молиявий-кредит тизими хизматларини амалга ошириши, телекоммуникация технологияларининг ривожланиши, электрон хужжат айланиши ва бутун дунёни глобал компьютерлаштириш замонавий иқтисодчи кадрларни тайёрлаш таркибига кирадиган масалаларни қамраб олади, уни ўрганиш эса олий таълими босқичида олиб борилиши лозим. Бу эса бўлажак иқтисодчининг умумий ахборот тайёргарлиги билан бир каторда, унинг мантикий давоми сифатида ахборот хавфсизлиги соҳасида касбий компетентлигини шакллантириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда малакали кадрлар касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир фундаментал тадқиқотлар, ахборот муҳитини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари ҳамда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича мамлакатимиз олимларидан Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Абдуқодиров, Н.И.Тайлаков, У.Ш.Бегимқулов, Қ.Т.Олимов,

Р.Д.Шодиев, Ф.М.Закирова, О.Х.Туракулов, Ж.А.Хамидов<sup>2</sup> ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Таълимда “Мутахассиснинг касбий компетентлиги”ни ривожлантириш масалалари бўйича республикамиз олимларидан Н.А.Муслимов, О.А.Кўйсинов, Н.Н.Каримова, К.Т.Уматалиева ва бошқалар, МДХ ва хорижий мамлакатларда С.Е.Шишков, А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мишченко, Э.Н.Шиянов, Э.Ф.Зеер, А.В.Хуторской, А.С.Белкин, L.M.Spencer Jr, S.M.Spencer, A.Stoof, David Mc Clelland, J.Winterton<sup>3</sup> ва бошқалар тадқиқотлар ўтказганлар.

Ахборот хавфсизлигининг умуммиллий ва методологик жиҳатлари бўйича А.А.Алтуфьева, В.А.Галатенко, А.Гостев, С.В.Масленченко, А.П.Коваленко, Р.В.Мешеряков, W.Stallings ва бошқ.; ахборот хавфсизлигини аспекти педагогик муаммо сифатида Р.В.Амелин, О.В.Казарин, А.А.Журин, П.И.Корнюшин, А.А.Марков, В.А.Семенов, Б.П.Поляков, А.А.Стрелцов, В.Н.Ясеновлар<sup>4</sup> томонидан ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот режалари асосида ИТД-1. А-1-173 “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” (2017-2020-йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти, моҳияти ва мазмунини очиқ бериш;

---

<sup>2</sup>Джураев Р.Х., Тайлаков Н.И. Создание электронных учебников: теория и практика. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - 192 с.; Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед.фан.док... дисс. автореф. -Т., 2007. -42 б., Тўракулов О.Х. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc)диссертацияси автореферати. –Т. 2017., Хамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc)диссертацияси автореферати. –Т. 2017.

<sup>3</sup>Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини профессионал шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан.докт.дисс. –Т., 2007. -349 б., Кўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-педагогик ижодкорлигини шакллантириш технологиялари. Дисс. ... п.ф.д. DSc. – Т.: - 2019. – 218 б., Белкин, А. С. Ситуация успеха. Как ее создать / А. С. Белкин. - М. : Просвещение, 1991. - 168 с., Зеер, Э.Ф. Реализация компетентностного подхода в профессиональном образовании / Э. Ф. Зеер, Д. П. Заводчиков, Е. Г. Лопес. - Екатеринбург : Изд-во РГПУ, 2007. - 129 с.

<sup>4</sup>Алтуфьева, А.А. Методические основы обучения информационной безопасности на базе телекоммуникационных ресурсов сети интернет: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.02 / - СПб., 2008. - 19 с. Галатенко В. А. Стандарты информационной безопасности: курс лекций: учеб.пособие / В. А. Галатенко. - 2-е изд.- М. : Интуит, 2009. -264 с., Гостев.А. Kaspersky Security Bulletin 2009. Развитие угроз в 2009 году [Электронный ресурс] / -Режим доступа: <http://www.securelist.com/ru/downloads/vlpdfs/>. Масленченко, С. В. Субкультура хакеров как порождение информатизации общества : автореф. дис. ... канд. культурол. наук : 24.00.01 / СПб, 2008. - 20 с.

ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш моделини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш моделини муваффақиятли амалга ошириш учун педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

"Мутахассисларнинг касбий фаолиятидаги ахборот хавфсизлиги асослари" махсус курси мазмунини ҳамда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш моделнинг самарадорлигини тажриба-синов асосида текшириб кўриш ҳамда уни муваффақиятли амалга ошириш учун аниқланган педагогик шартларнинг зарурлиги ва етарлилигини асослаш.

**Тадқиқот объекти** олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари.

**Тадқиқот усуллари.** Назарий (тадқиқот мавзуси бўйича педагогик, психологик, махсус адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш; олинган маълумотларни таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш, таснифлаш, умумлаштириш, моделлаштириш); эмпирик (педагогик тажриба-синов, кузатиш, сўровнома, тест ўтказиш); математик (статистик маълумотларни қайта ишлаш, корреляцион таҳлил ва нопараметрик текшириш усуллари).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** кўйидагилардан иборат:

рақамли ахборотлар билан ишлаш, релевант маълумотларни саралаш, ахборот хавфсизлигини узлуксиз таъминлаш каби бўлажак мутахассислар сифатини характерловчи индикаторларни малака талабларига сингдириш асосида касбий фаолият функциялари аниқлаштирилган;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетенцияларни шакллантиришга қаратилган "Мутахассисларнинг касбий фаолиятидаги ахборот хавфсизлиги асослари" махсус курси силлабуси таркибий тузилмаси синергетик тамойиллар воситасида такомиллаштирилган;

виртуал таълим муҳитида бўлажак мутахассисларнинг биометрик аутентификация усуллари амалда қўллаш кўникмалари билан касбий фаолиятнинг интеллектуаллик ва креативлик каби компонентлари тизимли-интегратив алоқасини чуқурлаштириш асосида "Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари" фанидан амалий машғулотларни бажаришга қаратилган мобил илова дастури ишлаб чиқилган;

бўлажак иқтисодчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг мотивацион, когнитив ва фаолиятли босқичларида ўқитиш контентини индивидуал ва гуруҳли шаклда ўзлаштиришнинг таълим натижасига таъсири масшабини



моделлаштириш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини баҳолашнинг ўқув-методик таъминот такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

бўлажак иқтисодчи мутахассисларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентлигини шакллантиришга қаратилган "Мутахассисларнинг касбий фаолиятидаги ахборот хавфсизлиги асослари" махсус курси дастури, ўқув-методик таъминоти, тадқиқ этилаётган компетентлик даражасини аниқлаш учун ташхислаш воситалари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

бўлажак иқтисодчиларда касбий компетентликни ривожлантиришга қаратилган "Таълим жараёнида фаолликни ошириш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш" методик қўлланма ҳамда "Ахборот технологиялари воситалари ёрдамида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг иқтисодий билимларини ривожлантириш" методик қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланилган;

умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув машғулотларини олиб борувчи ўқитувчилар учун умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш орқали бўлажак иқтисодчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган "Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари" фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича мобил илова дастури яратилган (DGU 08309 рақамли муаллифлик гувоҳномаси) ва амалда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти "ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш" тушунчасининг мазмунини аниқлаш, бўлажак мутахассисларда тадқиқ этилаётган компетентликни шакллантириш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, келажак учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни бўлажак мутахассисларда шакллантириш жараёни учун таклиф этилаётган моделни назарий асослашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим тизимда бўлажак иқтисодчиларни тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, олий таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган

давлат талабларини ишлаб чиқишда, олий таълимида ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш бўйича ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

бўлажак иқтисодчиларни ахборот хавфсизлиги бўйича кўникмаларини ривожлантиришда рақамли технологияларидан фойдаланиш орқали касбий фаолият учун етакчи индикаторларни (касбий муҳим ахборотларни сақлаш, саралаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш) белгилаш асосида касбий компетентликни оширишга оид илмий таклиф ва тавсиялар “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалаврият таълим йўналишларининг Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4364-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялардан таълими мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетенцияларни шакллантиришга қаратилган “Мутахассисларнинг касбий фаолиятидаги ахборот хавфсизлиги асослари” махсус курси силлабуси таркибий тузилмасини ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали жорий этиш орқали мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатини оширишга доир тавсиялардан А-1-173 “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” (2017-2020-йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа ишини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4364-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган методик ишланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

аутентификация, биометрик аутентификация усулларни қўллай олиш ва уни амалга ошириш қобилиятининг мантикий, креатив, интеллектуал компонентлари билан интегратив алоқасини таъминлашга қаратилган амалий машғулотлар ишланмалари ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш методикасининг ўқув-методик таъминоти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4364-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш мазмуни такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 1 та халқаро конференция, 1 та халқаро конгресс ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 19 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола жумладан, 2 та хорижий журналларда 6 та республика журналларида нашр этилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантиришнинг илмий-назарий аспекти”** деб номлаган. Ушбу бобда бўлажак иқтисодчи мутахассисларни касбий компетентлигини мазмуни, таркиби, шунингдек, ахборот хавфсизлиги, ахборот таҳдидлари тушунчалари мазмуни, ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини касбий компетентликни шакллантиришдаги аҳамияти, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини шакллантириш босқичлари очиб берилиб, атрофлича таҳлил қилинган.

Ахборотлашган жамиятда иқтисодчининг профессионал фаолиятини АКТдан фойдаланмасдан амалга ошириб бўлмайди. Профессионал фаолиятни амалга оширишда иқтисодчига ёрдам берадиган турли хил дастурий ва техник воситалар ахборот хавфсизлигига янги таҳдидларни келтириб чиқаради. Шу боис, бўлажак иқтисодчиларни касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетенциясини шакллантириш муҳим саналади. Бунда, ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш, иқтисодий билимлардан ва маркетингдан хабардор бўлиши билан бирга ахборот хавфсизлиги бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш яъни, ахборотларни сақлаш, ҳимоялаш бўйича махсус билимларга эга бўлиш талаб этилади. Зеро ахборот хавфсизлиги иқтисодчиларнинг профессионал фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида Ахборот хавфсизлиги тушунчасини ўрганишда биринчи навбатда эътиборни "ахборотни ҳимоя қилиш" тушунчасини ўрганишга қаратиш лозим деб топдик.

Агар ахборотни ҳимоялаш зарур маълумотларни ҳимоя қиладиган ва таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш жараёнини тавсифласа, унда

ахборот хавфсизлиги бундай ҳимоялаганликка эришилган ҳолатини акс эттиради<sup>5</sup>.

В.П.Поляков ахборот хавфсизлигини ахборот ресурслари, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш технологиялари, шунингдек, ахборот фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари хавфсизлиги ҳолати сифатида белгилайди<sup>6</sup>.

Тадқиқот ишида олиб борилган таҳлилларга асосланиб, ахборот хавфсизлиги тушунчасига қуйидагича муаллифлик тарифи келтирилди, яъни: “ахборот хавфсизлиги – маълумотларнинг ҳимояланганлиги ёки қайта ишлаш воситаларида уларнинг яхлитлиги ва мавжудлигини, шунингдек бундай ҳолатни аниқлаш, унга эришиш ва хизмат кўрсатишни таъминланишидир”.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамиз иқтисодиётининг ахборот сектори жуда ёш ва тез ривожланмоқда, шунинг учун иқтисодчи мутахассис АКТ дунёсидаги барча воқеалардан хабардор бўлиши керак, чунки бугунги кунда тегишли маълумотлардан хабардор бўлиш ва унга эга бўлиш ахборот жамиятининг зарурий талабларидан биридир. Бундан ташқари, иқтисодчи мутахассислар АКТ соҳасидаги мутахассислар эмас, балки олий таълим жараёнида фақат маълум бир АКТ воситаларидан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган маълум бир курсни ўтайдилар.

Шундай қилиб, юқорида айтилганларнинг барчаси бўлажак иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шакллантиришни, умумкасбий ва ихтисослик фанлари мазмунига ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид мавзуларни сингдириш ҳамда махсус курслар ташкил этиш, махсус курс бўйича ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш асосида талабаларни махсус ўқитишни талаб қилади. Олиб борилган таҳлилларга асосланиб, биз бўлажак иқтисодчиларнинг касбий компетентлиги таркибига кирувчи ахборот компетенцияси таркибини махсус компонентларга ажратдик (1-расм).

Мутахассиснинг касбий компетентлиги муаммолари бўйича тадқиқотларни таҳлил қилиш, шунингдек, профессионал фаолият ва замонавий иқтисодчининг профессионал тайёргарлиги даражаси ва сифатига қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш асосида бўлажак иқтисодчиларнинг касбий компетентлиги таркибига иқтисодий компетенция, бошқарув компетенциясини, коммуникатив компетенцияни, инновацион компетенцияни ҳамда ахборот компетенцияларини энг муҳим компетенциялар сифатида киритдик.


Иқтисодий компетенция – иқтисодий билимларни эгаллаш билан бирга аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда, касбий ва иқтисодий режалар туза

<sup>5</sup>Семенов, В. А. Информационная безопасность : учеб. пособие / - М. : МГИУ, 2005. -215 с.

<sup>6</sup>Поляков, В. П. Дидактический комплекс «Информационная безопасность» для подготовки студентов экономических специальностей / - Н. Новгород: ННГАСУ, 2006. - 142 с.

олиш, кундалик фаолиятида турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини энгилаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгликларидан фойдалана олиш.

Бошқарув компетенцияси – иш жараёнини бошқаришга оид кўникмалар.



**1-расм. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида иқтисодчи мутахассиснинг касбий компетентлиги тузилмаси**

Коммуникатив компетенция – ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирор хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқати.

Инновацион компетенция – янгиликларни яратиш, топиш, банкини яратиш, татбиқ этиш, тарқатиш, янгиликлар устида иш олиб бориш, янги технологияларни жорий этиш, репродуктив, эвристик, креатив, рефлексия асосида иш юритиш.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси – ахборот манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олиш уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқати.

Тадқиқот жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетенциялари иқтисодчи мутахассиснинг АКТларидан самарали

фойдалана билиши; ахборот базалари, тармоқ базалари, интернетдан маълумотларни топиши, саралаш, янги маълумотларни кирита олиши; ахборот хавфсизлиги асослари, унинг иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги хусусиятларини билиши; иқтисодиёт ва бизнес соҳасида ҳимоя объекти сифатида маълумотларнинг хусусиятларини билиши; ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий таъминлаш асосларидан хабардорлиги; иш жойида ахборот хавфсизлигини таъминлаш методлари ва воситаларини қўллаш олиши; ахборот хавфсизлиги соҳасида ўзини шакллантиришга қизиқиш, ахборот хавфсизлигининг назарий асосларини билиш, шунингдек, профессионал фаолиятда ахборотни ҳимоя қилиш ва ахборот хавфсизлигига таҳдидларга қарши курашиш кўникмалари ва тажрибаси, ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларидан хабардорлиги, ушбу воситаларни қўллаш олиши билан изоҳланди.

Тадқиқот ишида бўлажак мутахассисларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентлигини шакллантиришнинг дидактик жиҳатлари, ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатишда умумкасбий ва ихтисослик фанларининг ўрни асослаб берилган. Иқтисодиёт йўналишларида таълим олаётган бўлажак иқтисодчилар, унда ўқитиладиган “Иқтисодий билим асослар”, “Банк иши”, “Солиқ ва солиққа тортиш”, “Молия”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Молиявий ва бошқариш таҳлили”, “Аудит”, “Маркетинг” ва бошқа умумкасбий ва ихтисослик фанларни чуқур ўзлаштиришлари, яъни уларнинг иқтисодий билимларини шакллантириш, келажакда улар юритадиган фаолиятларида муваффақият қозонишга олиб келишини инобатга олган ҳолда, фанлар мазмунига ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мавзуларни кириш орқали ўқув дастурларини такомиллаштиришни бугунги куннинг долзарб вазифаларидан деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирги кунда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ахборотлашган жамиятнинг ажралмас ташкил этувчи қисмига айланди. Ахборотлашган жамиятнинг ҳозирги талаблари асосида, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш билан бирга ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини ривожлантириш зарурий сифатлардан бири бўлиб қолди.

Бўлажак иқтисодчининг ахборот хавфсизлигини бўйича касбий компетентлиги ахборот хавфсизлиги соҳасидаги назарий билимлар тизимини ва уларни муайян иш шароитларида қандай қўллашни ўз ичига олган кўп қиррали ҳодисадир, шунингдек, профессионал фаолиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билишлик баъзи жиҳатлари билан иқтисодчининг кадриятларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, "иқтисодиёт" йўналиши бўйича амалдаги давлат таълим стандартлари мазмунида ахборот хавфсизлиги муаммоларига “замонавий ахборотлашган жамиятини шакллантиришда ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ушбу жараёнда юзага келадиган хавф ва


таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига, шу жумладан давлат сирларини ҳимоя қилишга” етарлича эътибор қаратилмаган. Бунда, иқтисодчининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ДТСларига киритилган фанлардан бериладиган билим, кўникма ва малакалар иқтисодчининг касбий компетентлигини шакллантиришга етарли эмас деган хулосага келишимизга имкон беради. Бу жараёнда “иқтисодиёт” таълим йўналишларига ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича компетенцияларни шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларини киритиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида биз томонимиздан таълим йўналишлари ўқув режасининг қўшимча фанлар блокига “Иқтисодчиларни касбий фаолиятда ахборот хавфсизлиги асослари” махсус ўқув курсини киритиш таклиф қилинди. Биз томонимиздан курс дастури, ушбу курсни ўқитишдан кўзланган мақсад ва натижалар асослаб берилди.

Диссертацион тадқиқот ишининг иккинчи боби **“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш методикаси”** деб номланган. Ушбу бобда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш модели компонентлари мазмуни, моделни амалиётга жорий қилишнинг педагогик шарт-шароитлари келтирилган. Шунингдек, мутахассисларни ахборот хавфсизлигини таъминлашни ўргатишга қаратилган "Иқтисодчининг касбий фаолиятида ахборот хавфсизлиги асослари" махсус курси мазмуни, курсни таълим жараёнига киритишнинг зарурияти ва ўқитиш методикаси ёритиб берилган.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш моделини яратишда, модел ҳақидаги педагогик ва фалсафий фанлар томонидан умумий қабул қилинган фикрларга, шу жумладан мақсадлар таркиби метод ва воситалар, ўқув жараёни натижаларига асосланган (2-расм).

Энг аввало, тизимли ёндашув, тизимни ривожлантириш мақсадлари ва вазифаларини ўз ичига олган мақсадли блокни аниқлаб олишни талаб қилади. Мақсадли блок ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлиги етарли даражада шаклланган иқтисодчи мутахассисларнинг давлат ва жамият манфаатларини акс эттиради. Моделда мақсад тадқиқот муаммосидан келиб чиқиб қуйидагича белгиланди: ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги иқтисодчининг касбий компетентлигининг учта муҳим хусусиятлари (мотивацион, когнитив, фаолиятли) ва ушбу компетентлик мазмуни хусусиятларини очиб беришда бешта блок аниқланди, ушбу мақсадни аниқлаштириш қуйидаги вазифаларни ажратиш имконини берди:

1) касбий фаолиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосига аҳамиятли муносабатни ривожлантириш;



**2-расм. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантириш модели**



2) ахборот хавфсизлиги соҳасига касбий мукамалликга эришишга қизиқишни ўйғотиш;

3) тизимли ва аналитик фикрлашни ривожлантириш;

4) ахборот хавфсизлиги соҳасида назарий билимларни шакллантириш;

5) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга амал қилдик:

иктисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шакллантиришнинг асосий тамойили сифатида фундаменталлик ва касбга йўналтирилганлик тамойилини алоҳида қайд этиш мумкин; бу тамойил иктисодчиларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасида мантиқий бирикмасини давом эттириб, инсоннинг умумий ва касбий қобилиятларини ривожлантиришни талаб қилади;

тизим ва тизимлилик тамойили, ўқув-методик материаллари талабалар онгида тизимли даражада, яъни нафақат маълум бир кетма-кетликда, балки ўзаро боғлиқликда акс эттирилади;

тўлдирувчанлик тамойил бўлажак иктисодчилар учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шакллантириш жараёнининг яхлитлиги ва тўлиқлигини таъминлаш, кўшимча таълим манбаларидан фойдаланишни ўз ичига олади;

интегративлик тамойили ахборот хавфсизлиги соҳасида иктисодчиларни тайёрлаш мазмунининг такрорланиши ва мос келмаслигини бартараф этиш, иктисодчилар умумий ахборот тушунчалари таркибига киритилган яқин алоқалар ва тегишли фанлар билан интеграцияни ўз ичига олади.

Иктисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шаклланиши қонуниятлар гуруҳларида намоён бўлади:

шартланганлик: иктисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шакллантириш мустақил таълим олишга ва касбий фаолиятга бўлган қадриятли муносабат; мавжуд ижтимоий тажриба, ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти; иктисодчининг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича саноат ва тизим хусусиятлари интегратив таълим билан белгиланади;

ташқил топиш: иктисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни ривожлантириш - шахсни касбий нуқтаи назардан ташқил топишининг асосий босқичлардан бири; ахборот хавфсизлиги соҳасидаги иктисодчининг касбий компетентлиги зарурий база (индивидуал қобилият ва шахсий фазилатлар) ва асосий қисми (ахборот хавфсизлиги соҳасидаги фаоллаштирилган компетенциялар)ни ўз ичига олади, ўқув жараёни давомида зарур шарт-шароит асосида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги иктисодчининг компетентлиги шакллантирилади, кейинчалик у касбий фаолият шароитида ривожланади.

ўзгаришлар: иктисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шакллантиришнинг мазмуни жамиятнинг

глобал ахборотлаштириш ва АКТнинг жадал ривожланиши шароитида доимий ўзгаришларга дуч келади;

фаоллаштириш: иқтисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни фаоллаштириш, таълим ва талабанинг касбий фаолияти тажрибасига қараб ҳар хил интенсивликка эга; касбий фаолиятнинг аниқ бир соҳаси хусусиятларининг бир қийматли бўлмаган таъсири остида амалга оширилади;

натияждорлиги: иқтисодчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шакллантириш натижасида интегратив касбий-шахсий хусусиятга эга – ахборот хавфсизлиги соҳасидаги компетентлик; иқтисодчиларни ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлигини шакллантириш тегишли даражада шаклланишни таъминлайди. Моделнинг натижавий блоки ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мутахассисларнинг касбий компетентлиги баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлар ҳамда шакллантирилган: паст, ўрта, юқори даражаларни ўз ичига олади.

Олий таълим жараёнида бўлажак мутахассисларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида касбий компетентликни шакллантириш методикасини такомиллаштиришда умумий ахборот тушунчалари ўртасида мувофиқликни таъминлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлашни муҳим жиҳатларига диққатни жалб қилишга, талабаларни қизиқтиришга (мотивация) қаратилган ўқув материаллари ишлаб чиқилди, таълимнинг интерфаол шакллари, компьютер симуляцияларидан, модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланилди. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида бўлажак мутахассисларни касбий компетенциясига таркибига кўйиладиган талаблар, яъни мутахассисларнинг касбий фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш (давлат идоралари, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, кичик ва ўрта бизнес, йирик бизнес, молия-кредит соҳаси) орқали "Иқтисодчининг касбий фаолиятида ахборот хавфсизлиги асослари" махсус курсини ўқитишда амалий машғулотлар мазмунига аутентификация қилиш усуллариининг ўзаро боғлиқлиги, махфийликнинг энг юқори даражаси, Биометрик аутентификация, FAR (false acceptance rate) – икки кишининг биометрик хусусиятларининг ёлғон тасодифий ҳолатлари фоизини аниқлаш FRR (false rejection rate) – ваколатли шахсга кириш тақиқланган ҳолатлар фоизини аниқлаш усуллари бўйича ўқув материаллари сингдирилди.

